

**Абдуллаева Ш. – ТМИ
профессори, и.ф.д.**

КРЕДИТЛАШДА СКОРИНГНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Мақолада халқаро банк амалиётида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш соҳасида кенг қўлланиладиган кредит скоринг ва унинг аҳамияти тўғрисида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: банк, банк тизими, скоринг, кредит скоринг, буюртма ёки муружаат скоринги, “хатти-ҳаракат скоринги,рейтинг,ижтимоий кўрсаткичлар.

В статье рассмотрены вопросы международной банковской практики определения кредитоспособности заемщика путем метода кредитного скоринга.

Ключевые слова: банк, банковская система, скоринг, кредитный скоринг, заявочный скоринг, скоринг действий, рейтинг, социальные показатели.

This article covers the concepts of determination of the creditworthiness of the borrower on the scale of international banking though the credit scoring and assessment of the activity of the bank by using the stress-testing methods.

Keywords: bank, banking system, scoring, score, credit scoring, application scoring, behavioral scoring

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим ютуқларидан бири – бу барқарор банк тизимининг шакллантирилганлиги, республика банк тизимининг бозор муносабатлари талабларига жавоб бера оладиган барқарор банк тизими мақоми даражасига кўтарила олганлигидир. Мустақиллик йилларида банклар фаолиятининг тўла қонли иқтисодий-ҳуқуқий асосларининг яратилиши, қатор қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, банклар фаолиятини халқаро меъёрлар бўйича талабларга мослаштириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар “банкларни иқтисодиётимизнинг локомотивига айланишига” замин яратди. Айниқса кейинги йилларда банк тизимини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ва инвестициявий фаоллигини кенгайтириш таъминланди. Банк тизимининг жами капитали 2014 йилга нисбатан 23,3 фоиз кўпайиб, 7 триллион 800 миллиард сўмга етди. Сўнгги 5 йилда мазкур кўрсаткич 2,4 баробар ўсди. Бу умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 марта, банк ликвидлиги эса энг юқори кўрсаткичлардан 2 марта кўпдир. Дарҳақиқат, йилдан-йилга мамлакатимиз банк тизими ривожланиб молиявий жиҳатдан барқарор, халқаро талаб ва андозаларга мос бўлган банк тизимига айланиб бормоқда. Айниқса, 2010 йил 26 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1438 – сонли Қарори билан тасдиқланган “2011-2015 йилларда республика банк-молия тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар Дастури” банк тизимини янада мустаҳкамлаш, тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш борасида ишларни изчиллик билан давом эттириш


имконини бермоқда. Банкларнинг мустаҳкам капитал базага эга бўлиб, ликвидлилик ва тўловга лаёқатлилик даражасининг юқори бўлиши ҳар қандай таҳликали муҳит ва шароитдан нафақат йўқотишларсиз чиқиб кетишга, балки, иқтисодиётнинг бошқа бўғинларининг ҳам самарали фаолият олиб боришини таъминлашга кўмак бериши мумкин. Бу борада банклар фаолиятида юзага келадиган рискли ҳолатлардан химояланиш, уларнинг олдини олиш ва таъсирини камайтириш масалалари бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бозор муносабатларининг ривожланиб бориши банкларнинг капиталлашуви, кредит муносабатларининг такомиллашувини, банк фаолиятини олиб бориш ишларида ёндашувларни ўзгартиришни тақозо қилади. Шу сабаб бизнинг республикамизда ҳам банклар фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлаш мақсадида улар фаолиятини стресс-тестлардан ўтказиб туриш орқали банкларни турли йўқотишлардан химоялаш ва барқарорлигини ошириш, миждозларнинг кредитга лаёқатлигини аниқлашда кредит скоринги усулидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш лозимлигига эътибор қаратиш бугуннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Банклар фаолиятида қўлланиладиган замонавий усуллардан бири бўлган кредит скоринг миждознинг кредитга лаёқатлигини аниқ ва чуқурроқ баҳолаш йўли билан кредитнинг қайтмаслиги билан боғлиқ йўқотишларнинг олдини олиш имконини беради. Кредитлар билан боғлиқ рискларни баҳолаш усуллари ва тамойилларини ўзгартириш орқали уларни камайтириш ва кредитларнинг ўз вақтида банкга қайтишини таъминлаш соҳасида хорижий банклар амалиётида қўлланилаётган миждознинг кредитга лаёқатлигини скоринг баҳолаш усулини республикамиз банклари амалиётига жорий қилишни йўлга қўйиш миждознинг молиявий ахволи ва унинг кредит тарихига оид масалаларни чуқур таҳлил қилган ҳолда унга тезкор кредит бериш ва кредит билан боғлиқ рискни камайтириш имкониятини юзага келтиради.

Скоринг - «scoring»- инглизча ” **score**” сўзидан олинган бўлиб очко ёки балларни ҳисоблаш деган маънони билдиради. Банклар фаолиятида эса скорингга кредит бериш бўйича қарор қабул қилишнинг асоси, кредитлар бўйича рискларни баҳолаш тизиминингусули сифатида қараш мумкин. Янада аниқроқ қилиб айтганда, скоринг банк томонидан қатор комплекс кўрсаткичлар ва статистик усуллар асосида кредит олувчи миждознинг кредитга ва тўловга лаёқатлигига баҳо бериш орқали унинг кредитни тўлай олиш ёки олмаслик эҳтимолини аниқлашдан иборат. Скоринг баҳолаш компьютер дастури орқали амалга оширилиб у миждоз турмуш тарзи ва фаолиятининг турли томонларини ўзида акс эттирувчи бир неча хил таснифларни ўзида мужассамлаштирган математик модель ва усуллар мажмуаси ҳисобланади. Скорингнинг ишлаш принципи шундаки, миждоз томонидан тўлдирган анкета маълумотлари асосида у тўғрисида маълумотлар йиғилади. Миждознинг банк ходими томонидан ишлаб чиқилган анкета саволларига берган жавобларининг ҳар бири аниқ баллар билан баҳоланади. Баҳолаш миждознинг кредит тарихи ва анкетавий статистик маълумотлари асоси кредитни қайтара олиш эҳтимоли бўйича математик

ҳисоб-китоблар ҳисобланади. Ва уларнинг йиғиндисига қараб миждозга кредит бериш ёки бермаслик бўйича қарор қабул қилинади.

Мижоз балларининг юқори бўлиши унинг кредит олиш имкониятини оширади, аксинча, унинг кредит олиш имконияти кам бўлиши мумкин. Мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш бўйича скоринг усули аввало АҚШда, кейинчалик Европа давлатлари банклари амалиётида қўлланилган бўлса бугунги кунда МДХ давлатларидан Россиянинг кўпгина банклари, микромолиялаш ташкилотлари ўз фаолиятига бу усулни жорий қилмоқда. Мижоз фаолиятини скоринг усулида баҳолаш банклар томонидан истеъмол кредитлари ажратишда анча қўл келганлиги сабаб скоринг илк бор жисмоний шахсларнинг молиявий ҳолатига баҳо беришда, кейинчалик юридик шахслар фаолиятини баҳолашда қўлланилган.



1-расм. Жисмоний шахсларни кредитлашда кредит скорингни амалга ошириш жараёни

Скоринг баҳолаш тизимининг тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, скоринг илк бор 1936 йилда Ханс Фишер (1881-1945 йй.) томонидан ўсимликлар дунёсида уларни қиёсий таърифлаб гуруҳларга таснифлаш учун қўлланилган усул ҳисобланади. 40- йилларда америкалик иқтисодчи Девид Дюран бу усулни кредитларни таснифлашда қўллаб уларни “яхши” ва “ёмон”

кредитларга ажратган ва бу усул - **кредит скоринг (credit scoring)** усули номини олган. 1950 йилнинг бошида Сан-Францискода скоринг бўйича биринчи Fair Issac номли консалтинг фирма очилган бўлсада, скоринг тизими бўйича мижозларнинг фаолиятини баҳолаш кредит карталар муомаласага киритилгандан кейин ривожлана борди ва у нафақат мижознинг молиявий аҳволи, балки кредит риси даражасини ҳам баҳолаш усулига айланди.

Дэвид Дюран мижозга кредит ажратишда нафақат молиявий кўрсаткичларга, балки унинг ижтимоий ҳаёт кўрсаткичларига ҳам эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди ҳамда кредит олмоқчи бўлган субъектларнинг ижтимоий ҳаёт кўрсаткичлари, мижознинг кредитга бўлган эҳтиёжи ва уни ўз вақтида қайтариши борасидаги масъулияти ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Скоринг баҳолашда мижоз фаолиятига нафақат молиявий кўрсаткичлар асосида, балки ижтимоий кўрсаткичлар бўйича ҳам баҳо берилиши кредит скорингни кредитга лаёқатлиликини баҳолашнинг бошқа тизимларидан ажратиб туради. Ижтимоий кўрсаткичлар қаторига одатда хорижий банклар амалиётида мижознинг ёши, жинси, касби, мижознинг даромади ва оиласининг умумий даромади, оила аъзолари, болалари сони, унинг қарамоғидаги оила аъзоларининг сони, кўчар ва кўчмас мулкнинг мавжудлиги, яшаш жойи ва муддати, банкдан олган кредитлари, кредит карточкалари, иш жойи ва стажи ва бошқалар киритилиши мумкин.

1937 йилда АҚШда буюк депрессия вақтида Дэвид Дюран ўзининг Risk Elements in Consumer Installment Financing номли тадқиқотида 37 фирма томонидан тақдим этилган 7200 кредит қарзларни “яхши” ва “ёмон” кредит тарихларга таснифлаган. Бунда Д.Дюран хи-квадрат (chi-square) кўрсаткичидан фойдаланган ва мижоз фаолиятига оид бўлган маълумотлар асосида унинг фаолиятининг риск даражасини аниқлаган ва самарадорлик индексини ишлаб чиққан. Д.Дюран кредит скоринг моделини ишлаб чиқишда мижоз фаолиятига оид қуйидаги коэффицентларни кўллади:

- ёши: 20 дан юқори бўлган мижозга ҳар бир йил учун 0,1 балл. (максимум-0,30);

- жинси: Аёл – 0,40; эркак – 0;

- яшаш муддати: белгиланган аниқ бир жойда яшаган ҳар бир йили учун 0,042 балл (максимум – 0,42);

- иш: корхона ва ташкилотларда ишлаши – 0,21 балл, бошқа соҳаларда – 0 балл;

- касби: кичик риск билан боғлиқ касб учун – 0,55, юқори рискдаги касб учун – 0, ва 0,16 – бошқа касблар учун;

- бандлиги – 0,059 – бир корхонада ишлаган ҳар бир йили учун (максимум – 0,59);

- молиявий кўрсаткичлари: 0,45 – банкда ҳисоб рақами ва маблағлари мавжудлиги учун; 0,35 – кўчмас мулкка эгаллиги учун, 0,19 – ҳаёти суғурта полиси учун ва ҳ.к..

Бу коэффициентларни қўллаш билан Девид Дюран “яхши” ва “ёмон” миждоз ўртасидаги чегарани 1,25 балл деб олди. 1,25 баллдан юқори балли миждозлар кредитга лаёқатли ҳисобланган, бундан кам балл йиққанлар эса кредитга ва тўловга лаёқатсиз деб топилган.

Кредит скоринг миждознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг замонавий усулларида бўлиб ривожланган давлатлар амалиётида кенг қўлланилади. Бугунги кунда скоринг нафақат молиявий ҳолат ёки кредит риск даражасини, балки маркетинг кузатувлари олиб бориш, миждоз ҳаракатларини мониторинг қилиш, қарздорлар билан ишлаш ва бошқа соҳаларда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Миждознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда скорингдан фойдаланиш кредит ажратиш бўйича қарорнинг тез қабул қилинишига замин яратади ҳамда кредит олиш жараёнини максимал даражада тезлаштиради, кредит олиш бўйича маълумотларга ишлов бериш тўлиқ автоматлаштирилганлиги боис, бу жараёнларга инсон омилининг таъсири минималлашади. Банк ходими ва миждознинг вақти тежалади, кредит олиш ва унинг таъминланганлиги билан боғлиқ ҳужжатлаштириш жараёнлари ва сони қисқаради. Шунингдек, кредит скорингда таъминот масаласининг долзарблиги камаяди, миждозларнинг фаолияти ва кредит тарихида шаффофлик шаклланади. Буларнинг барчаси кредит ва кредитлаш жараёни билан боғлиқ риск даражаси камаяди.

Скорингнинг бир неча турлари бўлиб улар нафақат миждознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда, балки миждоз кредит олгандан кейин унинг молиявий ҳолатига қараб кредитнинг қайтарилиши ҳолати тўғрисида ҳам маълумот бериши мумкин. Шундан келиб чиқиб банклар ўз амалиётида скорингнинг у ёки бу турини кўпроқ қўллаши мумкин.

1-жадвал

Скоринг модел турлари

Application Scoring	Кредит беришда миждознинг кредит буюртмасини бирламчи кўриб чиқиш босқичидаги скоринг
Behavioral Scoring	Кредит портфели ёки алоҳида кредитни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш билан боғлиқ фаолият ёки хати-ҳаракат скоринги
Collection Scoring	“Ёмон” миждоз мавқеидаги миждозлар билан ишлаш бўйича устувор йўналиш ва чора-тадбирларни аниқлаш скоринги
Fraud Scoring	Қарз олувчи миждозлар томонидан йўл қўйиладиган турли фирибгарлик ҳаракатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш жараёнлари скоринги

Миждозга кредит беришда унинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда қўлланиладиган - **application scoring** (буюртма ёки мурожаат скоринги). Скорингнинг бу тури кенг тарқалган бўлиб барча банклар, микромолиялаш ташкилотлари амалиётида кенг қўлланилади. Унда қарз олувчи томонидан тўлдирилган бирламчи анкета маълумотлари йиғилади ва компьютер воситаларида уларга қайта ишлов берилиб миждозга кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида хулоса шакллантирилади. Бу усулнинг миждоз учун

ижобий томони шундаки, микромолиялаш ташкилотлардан кредитлар олишда мижоз “онлайн” тизимида интернет орқали ҳам кредит олиш имкониятига эга бўлади. Скорингнинг кейинги тури кредит шартнома шартларига асосланган – **collection scoring**дир. Бу тизимда вақтида банкга қайтарилмаган – муаммоли кредитларни банкга қайтариш ёки қоплаш бўйича банк ходимларининг чора кўриш йўналишлари, келажак режаларини аниқлаш ва амалга оширишга устуворлик берилади.

Скорингнинг яна бир тури **behavioral scoring** “ҳатти-ҳаракат скоринги” бўлиб унда қарз олувчининг маълум бир даврда қабул қиладиган ва амалга оширган қарорлари, молиявий ҳаракатлари, пул оқими ва бошқа ҳаракатлари асосида унинг молиявий ҳолатини ўзгариши эҳтимоли баҳоланади, яъни кредит рейтинги ўрнатилади. Бу тизим мижознинг молиявий ҳолатидаги кутилаётган ўзгаришлар, унинг тўловга лаёқатлилиги даражасининг ўзгариши истиқболларидан келиб чиқиб кредит муносабатларини қайта кўриб чиқиш, кредит бўйича ўрнатилган лимитни ўзгартириш (камайтириш ёки ошириш) борасида қарорлар қабул қилиш ёки мижозга қўшимча хизматлар пакетини таклиф қилишга асос бўла олади. **Fraud scoring** деб номланган скоринг турида мижоз фаолиятида турли фирибгарлик ҳаракатлари бор-йўқлик эҳтимолига статистик баҳо берилади.

Скоринг баҳолашда жуда зарур ва муҳим бўлган омиллар, кўрсаткичлар, иккинчи даражали ҳисобланган кўрсаткич ва омилларни аниқлаш ушбу тизимнинг асосини ташкил этади. Масалан, Англияда скоринг тизимда мижознинг ёши, оила аъзолари, болалари сони, иш жойи, у ерда неча йилдан буён ишлаётганлиги, касби ва даромади, турмуш ўртоғи, унинг касби, иш жойи ва даромади, уй-жойи, унинг қиймати, яшаш ҳудуди ва у ерда неча йил яшаётганлиги, неча йилдан буён мазкур банкнинг мижози эканлиги, телефони, кредит карта, чек дафтарчаларининг мавжудлиги ва бошқалар инобатга олинади. АҚШда FICO (Fair Isaac Corporation) ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган скоринг баллари машҳур бўлиб, унинг қиймати 300 баллдан 850 баллгача бўлган интервалда баҳоланади. Бунда қарз олувчининг молиявий ҳолати куйидаги шкаладаги баллар билан баҳоланади:

690 баллдан - 760 балл ва ундан юқори бўлса - аъло;


650 баллдан - 690 баллгача ўртача стандарт даража;

640 баллдан - 650 баллгача яхши деб баҳоланиши ва кредит ажратилиши мумкин. FICO баҳоси куйидаги асосий беш омил, яъни тўловлар тарихи – (35 %), қарз мажбуриятлари (30 %), кредит тарихи ва унинг муддати (15 %), кредит олишга берилган буюртма ёки талаб (10 %), банкда мавжуд ҳисоб варақлар ва кредит турлари (10 %) таъсирдан келиб чиқиб шаклланади.

Скоринг бўйича аниқланган баҳо - бу доимий кўрсаткич бўлмаганлиги боис унинг миқдори ўзгариб туради. Бу мижознинг фаолиятига, банкнинг мижоз тўғрисида янги маълумотларга эга бўлишига боғлиқ. Мижоз фаолиятига берилган скоринг баҳонинг паст ёки юқори бўлиши – унга кредит бериш ёки бермаслик ҳамда мижознинг кредитни қайтара олиши ёки қайтара олмаслиги тўғрисида қарор қабул қилишига, кредит риси кўламини баҳолашга асос

бўлади. Масалан, хорижий банклар амалиётида демографик скоринг тушунчаси ҳам бўлиб, мижозларнинг 35-40 ёшдагилари скоринг баҳонинг юқори бўлишига замин яратади. Ўз уй-жойига эга бўлиши скоринг кўрсаткични янада оширса, мижоз ёшининг улуғ бўлиши, оилада фарзандларнинг ёки қарамоғида одамларнинг кўп бўлиши скоринг баллари нинг пасайишига олиб келади ва ҳ.к.

Скоринг тизими бўйича мижоз фаолиятини баҳолаш автоматлаштирилган бўлганлиги учун у операцион риск ва харажатларни камайтиради, кредит буюртмани кўриб чиқиш вақтини қисқартиради, банк фаолиятини кредит сиёсати талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилишга ёрдам беради. Скорингнинг ижобий томонлари билан биргаликда баъзи камчиликлари ҳам мавжуд.



2-расм. Кредит скорингнинг ижобий ва салбий жиҳатлари

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, скоринг усули бўйича кредит ажратишда унинг камчиликларидан кўра ижобий томонлари ва қулайликлари кўпроқ.

Хорижий давлатларда ҳар бир банк миқознинг молиявий ҳолати, кредитга лаёқатлилиги, унинг ўз мажбуриятларини тўлай олиш қобилияти, фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган рисклар даражаси, уларни қоплаш олиш имконияти ва бошқа баҳоловчи кўрсаткичлар тизими асосида скорингни ўзи ишлаб чиқади. Шунингдек, ҳар бир банкда скоринг балларни камайтирувчи, бинобарин, кредит олиш эҳтимолини пасайтирувчи “stop” сигналлар ҳам мавжуд. Булар:

- тез-тез иш жойини ўзгартириш;
- кўп болалик ёки қарамоғида кўп аъзолар бўлган оилалар;
- жуда ёш ёки кекса ёшдаги миқозлар;
- кейинги пайтларда миқознинг банкларга тез-тез муурожаат қилиши;
- баъзи миқозларнинг фаолият турлари, масалан, такси ҳайдовчилар, риэлторлар, ижтимоий соҳа ходимлари, иш ҳақи сотув ҳажмига боғлиқ бўлган мененжерлар;
- ташқи кўринишига эътиборсиз, ўзини талаб даражасида тутмайдиган инсонлар ва бошқалар.

Скоринг баҳолаш кредит муносабатларининг иккала субъекти банк учун ҳам миқоз учун ҳам фойдали тизимдир. Банк учун кредит билан боғлиқ йўқотишларнинг олдини олса, миқоз ҳеч қандай қийинчиликларсиз, тезкор кредитни олиш, ундан фойдаланиш ва тўлаш имкониятига эга бўлади. Бизнинг фикримизча, республикамиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга айрим турдаги кредитларни ажратишда кредит скоринг тизимидан фойдаланиш ижобий натижалар бериши мумкин. Мазкур тизимни жисмоний шахсларга баъзи кредит турлари, масалан, истеъмол кредитлари ажратиш бўйича жорий қилиш, ушбу йўналишда кредит скорингни қўллашнинг меъёрий – ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу мақсадда қуйида жисмоний шахсларни кредитлашда қўлланилиши мумкин бўлган кредит скоринг моделини келтирамиз.

2-жадвал

Жисмоний шахслар учун кредит скоринг модели

Омиллар	Балл
Кредит таъминоти	
○ Таъминот мавжуд	1
○ Таъминот мавжуд эмас	0
Миқознинг турар жой билан таъминланганлиги	
○ Уй-ҳовли	3
○ Шахсий квартира	2
○ Ота-онасининг уйи	1
○ Ижарада туриши	0
Маълумоти даражаси	
○ Фан доктори	4
○ Магистр	3
○ Бакалавр	2
○ Бакалавр даражаси учун ўқимоқда	1
○ Ўрта маълумотли	0
Банк филиалига яқинлиги	

○ Банк филиали, мижоз яшайдиган туианда мавжуд	2
○ Банк филиали, мижоз яшовчи туманда мавжуд эмас	0
Оилавий ҳолати	
○ Оидали	3
○ Турмуш қурмаган	1
Ёши	
○ 20 ва 30 ўртасида	4
○ 30 ва 40 ўртасида	3
○ 40 ва 50 ўртасида	2
○ 50 ва 60 ўртасида	1
○ 60 дан юқори	0
Мижоз қарамоғида бўлган шахслар сони	
○ 0	3
○ 1	2
○ 2	1
○ 3 ва ундан кўп	0
Кредит муддати	
○ 1 йил	4
○ 2 йил	3
○ 3 йил	2
○ 4 йил	1
○ 5 йил ва ундан кўп	0
Касби	
○ Маош олиб ишловчи ишчи, ходим, мутахассис	3
○ Тадбиркор	2
○ Талаба	1
○ Ишсиз	0
Олдинги иш жойида ишлаган муддати	
○ 5 йилдан кўп	4
○ 2 йил ва 5 йил орасида	3
○ 1 йил ва 2 йил орасида	2
○ Нафақада	1
○ Маълумот мавжуд эмас	0
Ҳозирги иш берувчи билан ишлаш муддати	
○ 5 йилдан кўп	4
○ 2 йил ва 5 йил орасида	3
○ 1 йил ва 2 йил орасида	2
○ Нафақада	1
○ Маълумот мавжуд эмас	0
Мижознинг ойлик маоши	
○ 3 млн. сўмдан кўп	4
○ 2 млн.сўмдан 3 млн.сўмгача	3
○ 1 млн.дан 2 млн сўмгача	2
○ 500 минг.сўмдан 1 млн сўмгача	1
○ 500 минг сўмдан кам	0
Кредит тарихи	
○ Кредитни қайтаришни 90 кунга кечиктирган	1
○ Кредитни қайтаришни 60 кунга кечиктирган	2
○ Кредитни қайтаришни 30 кунга кечиктирган	3
○ Кредитлар ўз вақтида тўланган	4

Бошқа банклардан кредит олганлиги	
○ Ҳа	0
○ Йўқ	1
Мижоз кредитни нафақа ёшига етгунча тўлаб бўладими	
○ Ҳа	1
○ Йўқ	0
Бошқа банклардан кредит олиши	
○ Ҳа	0
○ Йўқ	1
Мижоз билан банк ўртасидаги алоқа	
○ Депозит ва кредит	3
○ Кредит / Кредит карточка	2
○ Депозит/кредит карточка	1
○ Йўқ	0

3-жадвал

Кредит скоринг шкаласи

Кредит скоринги %	Кредит скоринг оралиғи	Сифати	Риск синфи
91% - 100 %	44 – 49	Энг юқори	А
76% - 90%	37 – 43	Яхши	Б
50% - 75%	25 – 36	Ўрта	В
<50%	< 25	Ўртадан паст	Г

Албатта юқорида келтирилган моделни янада такомиллаштириш, ҳудудлар ва миждларнинг талаблари ҳамда хусусиятларидан, банкларнинг кредит сиёсатидан келиб чиқиб омилларни кенгайтириш ва ўзгартириш мумкин. Мамлакатимиз банклари амалиётида кредит скорингни жорий қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, кейинчалик ушбу тизимни юридик шахсларни кредитлашга ҳам жорий қилиб бориш, унда кредит скорингнинг омиллари сирасига мижднинг молиявий аҳволи, кредит тарихи, даромадларининг барқарорлиги, бозорда тутган ўрни, маҳсулотларининг харидорлиги, ўз маблағларининг, дебитор-кредитор қарздорлик салмоғи каби кўрсаткичларга устуворлик бериш катта аҳамият касб этиши мумкин. Бинобарин, миждларга кредит ажратишда кредит скоринг амалиётини жорий қилиш келажакда кредит қўйилмалар ҳажмининг ошишига, ишлаб чиқириш ҳажми ва самарадорлигининг юксалишига замин яратади, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган рисклар ва рискли ҳолатларнинг олдини олиш, скоринг натижаларидан келиб чиқиб банк рискларини бошқариш стратегиясини мувофиқлаштириб бориш имконини беради. Шу боис, бизнинг фикримизча, мамлакатимиз банк амалиётига кредит скоринг тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш тижорат банкларининг халқаро талаблар даражада фаолият олиб боришини янада юқори поғонага олиб чиқиши билан биргаликда уларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлашга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344 – сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – Тошкент, 2015.18-сон (674).
2. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлиси материаллари. Т.: Ўзбекистон, 2015 й. 6-7 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти: www.cbu.uz.
4. Hennievan Greuning, SonjBrajovic Bratanovic “Analyzing banking risk” The Word bank, Washington, D.C. 2007 y. 289 p.
5. Banking Regulation in the United States, Carl Felsenfel, David Glass
6. An introduction to Banking, Moorad Choudhry
7. Bank Valuation and Value Based Management: Deposit and Loan Pricing Performance Evaluation and Risk. Jean Dermine, 514-page 2014 y
8. Commercial Banking: The management of Risk, James W. Kolari, Benton E. Gup 530-page 2005 y